

**Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича
2297-2022-сонли ШАРТНОМА
(Лот № 22110012203439)**

2022 йил “23” “12”

Тошкент ш.

Тошкент вилояти Қурилиш бош бошқармаси, кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталувчи ва Низом асосида фаолият юритувчи бош бошқарма бошлиғи Э. Муллоев бир томондан ҳамда “Qishloqqurilishloyiha” МЧЖ кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб аталувчи ва Низом асосида фаолият юритувчи бош директор И.С.Ахмедов иккинчи томондан, мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. “Бажарувчи”, “Буюртмачи”нинг топшириғига асосан “Тошкент вилояти Қуйичирчиқ тумани “Ватан” (Ватан, Чингиз, Юлдуз, Ёркин ҳаёт қишлоқлари) бош режа схемаларини ишлаб чиқиш” мажбуриятини ўз зиммасига олади. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги 172-сонли қарорига асосан).

“Буюртмачи” эса лойиҳавий топшириқлар бериш, бирламчи маълумотлар билан таъминлаш, бажарилган ишларни қабул қилиб олиб, ишлар бўйича харажатларни ўз вақтида тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. “Бажарувчи”, “Буюртмачи” томонидан тақдим этилган лойиҳалаш топшириқларида кўрсатилган ишларни, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2019 йил 2 ноябрдаги 503-сонли буйруғи (Маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуди учун шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш Тартиби) жумладан ШНҚ 1.03.02-04*, ШНҚ 2.07.01-03*, ШНҚ-1.03.10-12ларга асосланиб ишлаб чиқади ва яқунлайди.

1.3. “Бажарувчи” томонидан амалга оширилмаган ишларнинг бир қисмини (Шартнома шартларини бажариш учун зарур бўлган маҳсус тадқиқот турлари) бажарилиши учун танлов асосида субпудрат шартномасини тузишга ҳақли. “Буюртмачи”нинг олдиндан ёзма розилигисиз, бундай ҳолда “Бажарувчи” ушбу шартнома томонидан унга юклатилган тўлик жавобгарликни ўз зиммасига олади.

1.4. Ушбу шартномани тузиш учун “Буюртмачи” “Бажарувчи”га ишларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этиши шарт.

1.5. Бажариладиган ишларнинг мазмуни, қиймати ва муддати қуйидаги иловаларда кўрсатиб ўтилган ва ушбу иловалар шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади:

- шартнома нархининг келишув баённомаси; (1-сонли илова),
- бажариладиган ишларнинг календар режаси; (2-сонли илова),

2. ШАРТНОМА НАРХИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилган иш учун “Буюртмачи” томонидан “Бажарувчи”га **10 900 000 (Ўн миллион тўққиз юз минг) сўм, 15 фоиз ҚҚС билан** тўлашни амалга оширади.

2.2. Тўловнинг қолган қисми ишлар бажарилгандан сўнг (ёки босқичма-босқич) бажарилган ишлар электрон ҳисоб-фактура ва далолатномаси ҳамда тасдиқланган манзилли рўйхат асосида 10 (ўн) банк кунида “Бажарувчи”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

2.3. Бажариладиган ишнинг қиймати ўзгарганлиги натижасида, “Буюртмачи” ёки “Бажарувчи” олдиндан хабардор қилиниши лозим ва ўзгарган қиймат асосланган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

2.4. “Буюртмачи” белгиланган тартибда олдиндан ва тўланиши лозим бўлган тўловларни ўз вақтида тўламаган ҳолларда, ишларни яқунлаш муддати тўлов кечиктирилган муддатга ўзайтирилади.

3. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

3.1. Лойиҳалаш ишлар қуйидаги шартлар асосида бошланади:

3.1.1. “Бажарувчи”нинг ҳисоб рақамига олдиндан бўнак (аванс) тўлови амалга оширилгандан кейин;

3.1.2. Лойиҳа ишларини амалга ошириш учун топшириқ тегишли тартибда келишилганда ва тасдиқлангандан кейин;

3.1.3. Лойиҳа ишларини бажариш учун бошланғич бирламчи ҳужжатлар топширилгандан кейин;

3.1.4. Мазкур ҳужжатлар тақдим этиш кечиктирилганда ишнинг бажариш муддати ҳам ўзайтирилади;

3.1.5. “Бажарувчи” ишларни (ёки тегишли босқични), бажариб бўлгач “Буюртма” топшириш қабул қилиш далолатномаси ва ҳисоб-фактуралар такдим этади;

3.1.6. “Буюртмачи” бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини қабул қилиш мажбуриятини олади ва “Бажарувчи”га имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш-қабул қилиш далолатномасини жўнатади;

3.1.7. Бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш давомида “Буюртмачи”нинг асосли эътирози бўлса, камчиликлар рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади;

3.1.8. Бажарилган иш хажми “Буюртмачи” томонидан эътирозсиз тўлиқ қабул қилиб олингандан сўнг “Буюртмачи” далолатномани 5 иш куни ичида имзолаб, тегишли нусхаларни “Бажарувчи”га етказилишини таъминлайди ва далолатномада кўрсатилган маблағни 10 иш кун муддатда тўловни амалга ошириши шарт;

3.1.9. “Бажарувчи” томонидан тўлиқ яқунланган ишлари жамланмаси белгиланган тартиб асосида махсус почта хизмати орқали буюртмачининг манзилига етказилади ёки ўрнатилган тартибда расмийлаштирилиб, буюртмачи томонидан тайинланган вакилга топширилади.

3.1.10. Агар “Буюртмачи” бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасига имзо чекмаса ва 5 иш куни ичида асосли эътирозлар билдирмаса, “Буюртмачи” томонидан иш қабул қилинган ҳисобланади ва тўлов учун асос бўла олади.

3.1.11. Шахарсозлик ҳужжатлари (бош режа, батафсил режалаштириш лойиҳалари) уч нусхада тайёрланади (чизмалари ва изоҳли ёзувлари бўлган папкалар, шунингдек битта дискдаги лойиҳанинг электрон версияси). Битта нусхаси “Бажарувчи”нинг махсус қисмида сақланади, иккита нусхаси “Буюртмачи”нинг махсус қисмига юборилади.

3.1.12. “Буюртмачи” Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги “Шахарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” Давлат унитар корхонасига “Бажарувчи” томонидан ишлаб чиқилган шахарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказилишини ишониб топширади.

4. ШАРТНОМАНИ ТУЗИШ, ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

4.1. Мазкур шартнома тарафлар ўртасида имзоланган вақтидан кучга киради ва шартнома мажбуриятларининг тўлиқ бажарилгунига қадар амал қилади.

4.2. “Буюртмачи” беш банк иш кунида шартномасини расмийлаштириш лозим. Агар шартномани расмийлаштиришга тўсқинлик қиладиган ҳолатлар аниқланса, “Буюртмачи” ёзма равишда “Ижрочи”ни огохлантириш керак. Акс ҳолда шартнома бекор қилинган деб ҳисобланади.

4.3. “Буюртмачи” томонидан шартнома ўз вақтида расмийлаштирилмаганда ва шартноманинг 2.2 банди талаблари бузилганда, “Бажарувчи” ишларни бажариш муддатини узайтиришга ҳақли.

4.4. Лойиҳа шартномасида тарафларнинг келишмовчиликлари юзага келса 10 кун ичида чора кўрилиб баённома тузилади.

4.5. “Буюртмачи” томонидан шартнома ёки буюртма бекор қилинган тақдирда ёзма равишда маълум қилади ҳамда ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳақини тўлаб беради.

5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Мазкур шартнома мажбуриятларини бажармаган томон Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида жавобгарликка тортилади.

5.2. “Буюртмачи” олган мажбуриятини бажармаган тақдирда “Бажарувчи”га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

5.3. “Бажарувчи” шартномада кўрсатилган мажбуриятини бажаришда, олган мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

5.4. Агар шартнома шартларининг бузилиши енгиб бўлмайдиган ҳолатлар (форс-мажор) натижасида юзага келса томонлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик меъёrlари асосида иш кўради.

5.5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 654.695-моддасига мувофиқ томонлар шартнома предмети, унинг бажарилиш жараёни ва олинган натижаларга оид маълумотларнинг махфийлигини таъминлашлари шарт.

5.6. Тарафларнинг мазкур шартномада манфаатлари бузилган тақдирда талабнома тақдим этишга ҳақли. Талабномани кўриш муддати талабномани олган кундан бошлаб 10 кундан ошмаслиги лозим.

5.7. Томонлар низолар бўйича келиша олмаган ҳолда Тошкент туманлараро иқтисодий судига муроаажат қилиш ҳуқуқига эга.

6. БАРТАРАФ ЭТИЛИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ ХОЛАТИ (ФОРС - МАЖОР)

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шарномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимираши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир).

6.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

6.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартномани бекор қилиши мумкин.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА ШАРТЛАРИ

7.1. Мазкур шартнома томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, ғазначилик бўлиmidан рўйхатдан ўтгандан сўнгқонуний кучга киради ва унинг амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

7.2. Мазкур шартнома 2 нусхада тайёрланади ва ҳар бири бир хил юридик кучга эга бўлиб, тарафларнинг ҳар бирида бир нусхадан сақланади.

8. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“БУЮРТМАЧИ”

Тошкент вилояти

Қурилиш бош бошқармаси

Манзил: Тошкент вилояти Нурафшон ш.

Тошкент йўли кўчаси 90-уй.

Тел: 95 145 28 80

СТИР: 201992914 ОКОНХ: 97400.

ШХВ: 100021860274017040805130018

Ўз. Рес. Молия вазирлиги Ғазначилиги.

Х/р: 2340 2000 3001 0000 1010

МФО: 00014

СТИР: 201 122 919

“БАЖАРУВЧИ”

“QISHLOQQURILISHLOYIHA” МЧЖ

Манзил: 100128. Тошкент ш., Кодирий 7 кўча.

Тел. 241-13-23, факс 241-64-82

Х/р: 2021 4000 7047 6745 1001

Банк: ЧАКБ «DAVR BANK»

Юнусобод филиали.

МФО: 01122, ИНН: 206 994 012, ОКЭД 71110

Рўйхатдан ўтган солиқ тўловчи

коди: 326 050 007 602

Бош бошқарма бошлиғи



М.У. (Имзо)

Э. Пуратов

Юриев

А. Аверов

Бош директор



М.У.

И.С.Ахмедов

2297-2022 -сонли ШАРТНОМА нархнинг келишув
БАЁННОМАСИ

“Тошкент вилояти Куйичирчиқ тумани “Ватан” (Ватан, Чингиз, Юлдуз, Ёркин ҳаёт қишлоқлари) бош режа схемаларини ишлаб чиқиш” мақсадида, биз куйида имзо чекувчилар “Буюртмачи” томонидан Тошкент вилояти “Қурилиш бош бошқармаси” бош бошқарма бошлиғи Э. Пўлатов ва “Бажарувчи” томонидан “Qishloqqurilishloyiha” МЧЖ бош директори И.С.Ахмедов томонлар ўртасида лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқариш нархини 10 900 000 (Ўн миллион тўққиз юз минг) сўм, 15 фоиз ҚҚС билан.

Ушбу баённома “Буюртмачи” ва “Бажарувчи” ўзаро ҳисоб-китобларни қилиш ва тўловни амалга ошириш учун асос ҳисобланади.

“БУЮРТМАЧИ”

Бош бошқарма бошлиғи



М.У. (Имзо)

Э. Пўлатов

“БАЖАРУВЧИ”

Бош директор



М.У. (Имзо)

И.С.Ахмедов

2022 йил « 23 » 12 даги
2297-2022-сонли шартномага
2-илова

КАЛЕНДАР РЕЖАСИ

Шарнома бўйича иш тури	Бажариш муддати	Қиймат ҳисоби (сўмда)
“Тошкент вилояти Куйичирчиқ тумани “Ватан” (Ватан, Чингиз, Юлдуз, Ёркин ҳаёт қишлоқлари) бош режа схемаларини ишлаб чиқиш”	<u> </u> бўнак (аванс) тўлови амалган оширилгандан кейин.	10 900 000
Шундан 15 фоиз ҚҚС.		1 421 739

“БУЮРТМАЧИ”

Бош бошқарма бошлиғи



М.У. (Имзо)

Э. Пўлатов

“БАЖАРУВЧИ”

Бош директор



М.У. (Имзо)

И.С.Ахмедов

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 203439 на приобретение Куйичирчик тумани Ватан (Ватан, Чингиз, Юлдуз, Ёрқин ҳаёт қишлоқлари) бош режа схемалари ишлаб чиқиш

Способ проведения электронный

Дата 21.12.2022

Время рассмотрения 01.12.2022 17:23

Конкурсная комиссия Тошкент вилояти Архитектура ва курилиш бош бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	PO'LATOV ELMUROD TOXTABOYEVICH	Рахбар	Тошкент вил КББ
Секретарь комиссии	XUJABEKOV ABDULAZIZ ASHIRBOYEVICH	Мутахассис	Тошкент вил КББ
Член комиссии	IBRAGIMOV ASLIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	хисобчи	Тошкент вил КББ
Член комиссии	SAIDXODJAYEV BUNYOD SAYDIGANIYEVICH	Бошлик уринбосари	Тошкент вил КББ
Член комиссии	NISHONOV DAVLATBEK ISMOILOVICH	Булим бошлиги	Тошкент вил КББ
Член комиссии	ABDULLAYEV XUSNIDDIN SAYFULLAYEVICH	хисобчи	Тошкент вил КББ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 21.12.2022 года № лота 203439.

Метод оценки предложений – Бальный метод

Мин. балл: 8

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по проектно - изыскательной работе
Подробное описание	Куйичирчик тумани Ватан (Ватан, Чингиз, Юлдуз, Ёрқин ҳаёт қишлоқлари) бош режа схемалари ишлаб чиқиш
Количество товара	1.00
Единица измерения	усл. ед
Цена товара (услуги) за единицу	10 961 800.00
Стартовая сумма	10 961 800.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги ПҚ-172-сонли қарори ва шаҳарсозлик талаблари асосида лойихани ишлаб чиқиш жамоатчилиги муҳокамасидан ўтказиш

Тип: Текстовое значение

Описание: Куйичирчик тумани Ватан (Ватан, Чингиз, Юлдуз, Ёрқин ҳаёт қишлоқлари) бош режа схемалари ишлаб чиқиш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО "QISHLOQQURILISHLOYIHA"	10	10	10	Экспертная		
"TOSHKENTBOSHPANLITI" davlat unitar korxonasi	10	Гувоҳнома и лицензия	9	Экспертная		

"TOSHKENTBOSHPLANLITI" davlat unitar korxonasi	10 950 000.00 UZS	10 950 000.00	00.00	00.00	10 950 000.00	16.12.2022 16:01:04	9.95434
ООО " QISHLOQQURILISHLOYIHA "	10 900 000.00 UZS	10 900 000.00	00.00	00.00	10 900 000.00	15.12.2022 11:06:27	10

Итоговая оценка участников включая финансовый части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
"TOSHKENTBOSHPLANLITI" davlat unitar korxonasi	81	9.95434	90.95434
ООО "QISHLOQQURILISHLOYIHA "	90	10	100

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 203439 от 21.12.2022 года на приобретение Куйичирчик тумани Ватан (Ватан, Чингиз, Юлдуз, Ёрқин ҳаёт қишлоқлари) бош режа схемалари ишлаб чиқиш определила победителем:

ООО "QISHLOQQURILISHLOYIHA"
206994012

и резервный исполнитель: "TOSHKENTBOSHPLANLITI" davlat unitar korxonasi (200624959)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	PO'LATOV ELMUROD TOXTABOYEVICH	Согласен	
Член комиссии	IBRAGIMOV ASLIDDIN XOLMUXAMMADOVICH	Согласен	
Член комиссии	SAIDXODJAYEV BUNYOD SAYDIGANIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	NISHONOV DAVLATBEK ISMOILOVICH	Согласен	
Член комиссии	ABDULLAYEV XUSNIDDIN SAYFULLAYEVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП